



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: halksuzi@sand.uz

2003 йил 3 декабрь, №243 (3355)

Чоршанба

## Ватан мукофоти — Хоразм элига юксак ҳурмат ва эҳтиром рамзи

Хоразм кўхна тамаддун бешикларидан ҳисобланади. "Авесто" қадимий юрт. Утмиши бой, келажаги мунаввар. Дунёга ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд Замахшарий, Пахлавон Маҳмуд, Огаҳий каби машҳур алломаларни етказиб берган табаррук замин.



Мамлакатимиз мустақиллиги кўхна Хоразм тарихида янги — буюк юксалиш даврини бошлаб берди. Истиқлолнинг илк йиллариданок миллат гуруҳини уйғотиш, унинг бой меросини, улғу алломаларини, асрий аъёнларини дунёга машҳур этишга бел болаган Юртбошимиз қадимий Хоразм маданиятига ўзгача меҳр билан қарайди. Утган йилларда Хива шаҳрининг 2500 йиллиги, "Авесто"нинг 2700 йиллиги халқаро миқёсда нишонланди. Айниқса, Жалолиддин Мангубердидек миллатнинг ҳақиқий ўғлонига, юрт фидойисига алоҳида ҳурмат кўрсатилди. Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний ёдгорлик мажмуаларининг бунёд этилиши ҳам буюк аждодларга юксак эҳтиром рамзидир.

Юртбошимиз Хива шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида "Бундан минг йил муқаддам одамзод тарихидаги илк академиялардан бири бўлмиш Маъмур академияси Хоразм заминидан ташкил топгани билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Уйлайманки, биз Маъмур академиясини Хоразм заминидан қайтадан ташкил этсак, кўп улғу эи бўлур эди", деган эди. 1997 йилнинг 11 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хоразм Маъмур академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Бугун ушбу илм даргоҳида археология, тарих, фалсафа, тил ва адабиёт, биология каби



## Президент Ислам Каримовнинг Хоразм вилоятига Жалолиддин Мангуберди орденини топшириш маросимидаги нутқи

Ассалому алайкум, қадри дустрлар! Мухтарам юртдошлар! Авваламбор, мен бугун қадимий ва бетакрор Хоразм заминига қадам қўйиб, сиз, азиз юртдошларим билан дийдор қўришиб, сизларнинг очик чеҳрангизга боқиб, барчангизни бардам, яхши кайфиятларингизни кўриб, ҳурсанд бўлганимни билдирмоқчиман.

Ва сиз, азизларга, сиз орқали бутун Хоразм ахлига ўзининг самимий ҳурмат-эҳтиромини изҳор этмоқчиман. Барчангизга маълум: истиқлолимизнинг 12 йиллик байрами арафасида Хоразм вилояти ўзининг буюк хизматлари учун, аввало, аждодларимизнинг тарихий ва маънавий аъёнларини, мардлик ва жасорат намуналарини асраб-авайлаб, муносиб давом эттириб келаятигани, ёш авлодимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги улкан хизматлари учун давлатимизнинг юксак мукофоти — Жалолиддин Мангуберди ордени билан тақдирланган эди.

Буюк аждодимиз, жасур саркарда Жалолиддин Мангуберди номи билан аталган бу орден Ўзбекистон тарихида илк марта топширилмоқда. Ва бу орденнинг биринчи бўлиб айнан Хоразм вилоятига берилишида теран маъно бор. Мен бу юксак мукофотни, авваламбор, минг йиллик қадимий цивилизация бешиги бўлган шу муқаддас заминга, дунёга Мусо Хоразмий ва Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Замахшарий ва Нажмиддин Кубро, Пахлавон Маҳмуд ва Огаҳий сингари буюк зотларни берган, ҳозирги кунда ҳам ўзининг бунёдкорлик ишлари билан мамлакатимизнинг обрўсини оширишга ва унинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаятиган Хоразм элига давлатимиз ва халқимизнинг ҳурмат-эҳтиромни рамзи сифатида қабул қилишнингизни истардим.

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2 декабрь куни Оқсаройда Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш вазири Юрий Швеченкони қабул қилди. Учрашувда давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Россия ўртасида соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорликни янада кучайтиришга қаратилган қўшма маълумотномадан манмуний изҳор этди. Дарҳақиқат, бу йўналишдаги алоқалар кўлами анча кенг. Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида ўтказилаётган ислохотларда Ўзбекистон ва Россия соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамкорлигининг ўрни ҳам салмоқли. Сунгги йиллар давомида Ўзбекистондаги турли тиббиёт муассасалари, жумладан, кишлоқ врачлик пунктлари учун Россиядан умумий қиймати 3,5 миллион АҚШ долларига тенг ускуна ва жиҳозлар ҳамда 500 миң долларлик махсус автомобиллар келтирилди. 300 нафар Ўзбекистонлик мутахассис Россияда қайта тайёрлов курсларини ўтаб келган бўлса, яна 250 нафар мутахассис малака ошириб қайтди.

## ЎЗБЕКISTON — РОССИЯ: ТИББИЁТ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш вазири Юрий Швеченко бошчилигидаги ушбу мамлакат ирик тиббий марказлари ва илмий-тадқиқот институти раҳбарлари делегацияси мамлакатимизга ташриф буюрди. Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш вазирликлари ўртасида ўзаро фойдалу алоқаларни ривожлантиришга қўшма тўғрисида бундан тўрт йил муқаддам тўртта тўғрисида қўшма маълумотномадан манмуний изҳор этди. Шунинг билан бир қаторда, 2004 йилнинг охирига қадар, вилоятдаги пахта толасининг 30 фоизидан ортигини шу ернинг ўзида қайта ишлашни ташкил қилиш режалаштирилмоқда.

## САМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига Муборак Ийд ал-Фитр байрами муносабати билан Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги халқи, ҳукумати ва ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига энг самимий табриқларимни йўллаб, сўхат-саломатлик ва бахт, Ўзбекистон халқига доимий равақ ва фаровонлик тилаб қоламан.

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Муборак Рўза ҳайити муносабати билан Ливан халқи ва ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига энг эзгу тилақларимни йўллашдан бахтирман.

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Муборак Ийд ал-Фитр байрами муносабати билан Сомали ҳукумати ва шахсан ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига энг самимий табриқларимни йўллаш шарафига муйсарман.

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Шунингдек, Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига Кувайт Давлати Валиаҳди Саъид Ал-Абдуллоҳ Ас-Салим Ас-Сабоҳ, Бирлашган Араб Амирликлари ички ишлар вазирининг ўринбосари Сайф бин Зоид Ол Наҳайн, БМТ Озиқ-овқат ва кишлоқ хўжалиги ташкилоти Бош директори Жак Диуф ва бошқалардан табрик телеграммалари олинди.

Аллоҳ адолатга, эзгу ишларга ва қариндошларга яхшилик қилишга буюрад ҳамда бузуқчилик, ёвуз ишлар ва зулмдан қайтарур. («Наҳл» сураси, 90-оят).

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОИ Аҳолига шошилиш тиббий ёрдам хизматини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш давлат дастури тўғрисида" 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сонли Фармонида мувофиқ, республикада замонавий, юксак жаҳон талабларига жавоб берадиган ташвиш қўйиш ва даволаш тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган, юқори малакали врачлар ва ўрта тиббиёт ходимлари билан таъминланган шошилиш тиббий ёрдамнинг яхлит тизими яратилган ва самарали фаолият кўрсатмоқда.

Аҳолига шошилиш тиббий ёрдам қўрсатиши ташкил этиши янада тақомиллаштириш ва унинг сифатини ошириш, шошилиш тиббий ёрдам тизимини ривожлантириши рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

## Амнистия тўғрисидаги Фармони ўқиб... Қалбларга Нур инди

Бир қўшиманинг боласи қамалди. Шу-шу, у маҳалла-қўйда кам қуринди-лардан, ўлини танган-билганлардан бекинди юрадиган бўлиб қолди. Тўғри, ўғлининг қилимишни инкор этмайди. Унга нисбатан адолатли ҳукм чиқарилганини ҳам билади. Лекин она барибир она-да, фарзандининг бағридан йироқ бўлишига қандай олмайд.

## «ЎзДЭУавто» — мамлакатимиз автомобилсозлигининг фахри Ёруғ манзилларга елар «тулпор»лар

Бугунги кунда биз учкўр «Нексия» ва «Матиз»ларимиз билан чексиз гуруҳланамиз. Уларнинг сафига энди яна бир мафтўнкор автомобиль — «Ласетти» ҳам қўшилди. Ана шу «тулпор»лар ўзимизнинг ўғлонларимиз қўлидан чиқаятигани, айниқса, қалбларимизни ифтихорга тўлдирди.



## ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

Мақсадимиз ҳуқуқий давлат қуриш. Утган ўн икки йил давомида бу йўлда анчагина ишлар амалга оширилди. Ҳаётимизнинг турли жаҳаларини қамраб олган кўплаб қонунлар қабул қилинди. Улуғсиз жараён — қонун ижодкорлиги давом этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 3-бетда).

(Давоми 3-бетда).





Бугун — Халқаро ногиронлар куни

Хайрия концерти

3 декабрь — Халқаро ногиронлар куни муносабати билан «Интерконтинентал» меҳмонхонасининг Амир Темури залида «Ипак йўли» деб номланган хайрия концерти ўтказилди.

Хар ҳоқимлиги ва бир қатор халқаро ва маҳаллий ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди. Концертдан тушган маблағлар ногирон болалар уйларига топширилади.

Юнус БҲРОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири

Беғараз ёрдам

Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Жиззах вилояти кенгаши томонидан хорижий сармоядорларнинг маблағлари эвазига аҳолининг муҳтож қатламларига тиббий-ижтимоий ҳамда маиший ёрдам кўрсатиш борасида тузилган дастурга Нидерландия Қизил Хоч жамияти хомийлик қилмоқда.

6 ёшдан 10 ёшгача бўлган ногирон болалар марказини ташкил этиш гоёси барчага манзур бўлди.

Дастурга асосан, нидерландиялик хомийлар йил охиригача вилоятга жами 16 миллион сўмлик беғараз ёрдам кўрсатишади.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири

Одамларнинг яхшиси — кишиларга манфаати кўп теккандир

(Хадиси шарифдан).

Луқма

Сабабу тирикчилик эмиш...

Енма-ён бир аёл билан бир эркак (назаринда, эрхотин) савдо қиларди. Уларга икки килограмм картошка олишганини айтидим. Тортиб беришди. Сўнг хурмо ҳам олмоқчи бўлиб, даставвал сифатини кўздан кечирдим: яхши сақланган. Кейин тарозига қарасам, палласининг бири катта, бири кичик. Сотувчига: — Посанги қўймайсизми? — дедим.

Тўрт донаси билан тарози паллалари тенг келди. Икки кило тортишини айтидим. Тортиб бўлгач, хурмони суммага жойларканман, эркак кишига юзланиб: — Ака, посангисини тўғриламай картошка тортиган экансиз-ку? — дедим. — Бусиз тирикчилик қилиб бўладими? — дея саволимга савол билан жавоб кайтарди.

Футбол

Ешларимизнинг «Ал-Шаржа» стадиониди иккинчи учрашуви ҳам омадсиз аяқланди. Аввалиги учрашувдаги, ҳакам томонидан қўшиб берилган вақт яна рақибларимиз фойдасига хизмат қилди.

Кўшимча вақт яна омадсизлик келтирди

Уйин ўзбекистонлик ёшларнинг тезкор ҳаракатлари билан бошланди. Бундай ҳужумкорлик ўз самарасини бермай қолмади. Аввалиги «Машъал» ярим ҳимоячиси Рустам Қодиров Жанубий америкаликлар дарвозаси томон кучли зарба йўллади.

Шундан кейин Марадона издошлари ўйинни ўз томонларига оғдириш учун бор эйтиборларини ҳужумга қаратишди. Уларнинг биринчи бўлимдаги алдамчи ҳаракатлари кучли зарбалари бесамар кетди.

Иккинчи бўлимнинг 70-дақиқаси Аргентина ёшлари учун омадли келди. Шерикларининг қанот бўйлаб уюштирган ҳужуми жараёнида Леандро Фернандес Игнатий Нестеров дарвозасини аниқ нишонга олиб, ҳисобни тенглаштирди. Бундай натижа эса, табиийки, иккала жамоа вакиллари ҳам қониқтирмасди. Шу боис учрашувнинг сўнги 20 дақиқаси асабий тарзда кечди.

Дилмурод ПАРПИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири

Advertisement for TEZINTOM, featuring a woman's face and text about construction materials and services. Includes contact information for the company.

Advertisement for 'ЎЗКЎРГАЗМАСАВДО' (UZKORGAZMASAVDO) featuring a car and text about trade and services. Includes contact information for the company.

Advertisement for 'ДИҚҚАТ, АУКЦИОН!' (Attention, Auction!) featuring a man in a suit and text about an auction of cars and other goods. Includes contact information for the auctioneer.

Large advertisement for '«КИМОШДИ» САВДОЛАРИ АГЕНТЛИГИ' (KIMOSHI SAVDOLARI AGENTLIGI) featuring a list of cars for sale with their specifications and prices. Includes contact information for the agency.

Advertisement for '«Халқ сўзи» «Народное слово»' featuring a list of names and contact information for the publication.

Advertisement for 'БЎЛИМЛАР:' (Sections) featuring a list of names and contact information for various sections of the publication.

Advertisement for '«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ' (Sharq Publishing and Printing Company) featuring a list of names and contact information for the company.